МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ИМЕНИ АБУ АЛИ ибн СИНО

# II

МЕЖДУНАРОДНАЯ УЧЕБНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ «СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ»



12-апреля 2019 года

# Сборник материалов

РЕФОРМИРОВАНИЕ СЕСТРИНСКОГО ДЕЛА В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ........ 156

**Рузиев О.А., Мавлонов Н.Х.** ........
КЛИНИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ АВЛОД ТЕСТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ........ 160

**Сейдахметова А.А., Серикова Б.Д., Султанова Ж.С., Тайгашева Н.М., Джуманкулова Н.Р.** ........
ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПРИКЛАДНОГО БАКАЛАВРИАТА СПЕЦИАЛЬНОСТИ «СЕСТРИНСКОЕ ДЕЛО» ........ 164

**Сейдахметова А.А., Серикова Б.Д., Султанова Ж.С., Калменов Н.Ж., Тайгашева Н.М.** ........
РЕАЛИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ПРОГРАММЫ СПЕЦИАЛЬНОСТИ «СЕСТРИНСКОЕ ДЕЛО» ........ 168

**Seitkhanova B.T., Shapambayev N.Z.** ........
INNOVATIVE TECHNOLOGIES AND METHODS OF TEACHING STUDENTS OF MEDICAL UNIVERSITIES ........ 172

**Табаева А.А., Дусмагамбетов М.У., Байдуйсенова А.У.** ........
МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ ПО ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В КАЗАХСТАНЕ ........ 175

**Тастанова Г.Е., Нигматова Л.М., Хайдарова Б.И.** ........
СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ И ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ КАК ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 181

**Туйчиев Л.Н., Окунов А.О.** ........
НОВЫЕ ПОДХОДЫ В ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА НА КАФЕДРАХ ХИРУРГИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ ........ 184

**Хазратов У.Х., Эркинова Н.Э., Халимова Д.Ж., Рузиева Ш.С.** ........
СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ ........ 190

**Ҳазратов Ў.Ҳ., Эркинова Н.Э., Мусаева Р.Х., Рўзиева Ш.С.** ........
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ........ 193

**Хасанов Б.Б., Зулфикаров А.Н. Жабборова О.И.** ........
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ПРЕПОДАВАНИЯ В ГИСТОЛОГИИ 197

**Эдилова Р.М., Сейдахметова А.А., Қауызбай Ж.А., Пашимова Н.П., Серикова Б.Д.** ........
ПРОФИЛАКТИКА СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ У ЖЕНЩИН В ПОСТМЕНОПАУЗЕ С АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ ........ 200

**ТЕЗИСЫ** ........ **205**

**Абдуганиева Ш.Х., Фазилова Л.А.** ........
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ ........ 205

**Абдукахарова М.Ф., Мустанов А.Ю., Тошбоев Б.Ю.** ........
ЭПИДЕМИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ........ 206

**Арипов О.А., Мухамеджанова Н.Н., Матякупова Г.Р.** ........
РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ОФОРМЛЕНИЯ ВНУТРЕННЕЙ МЕДИЦИНСКОЙ И РЕГИСТРАЦИОННОЙ ДОКУМЕНТАЦИИ В КДЛ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ........ 207

**Арипов А.Н., Борзова И.С.** ........

## ТЕЗИСЫ

Абдуганиева Ш.Х., Фазилова Л.А.

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

*Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон*

**Долзарблиги.** XXIаср - ахборот ҳамда глобаллашув асри. Сўгги 15-20 йил давомида қай бир соханинг ривожланишига назар солмайлик, уларнинг ҳар бирида кун сайин ахборот коммуникация тизимлари ва технологияларидан фойдаланишнинг ўсишини кузатишимиз мумкин. Таълим сохаси ҳам бундан мустасно эмас. Олий таълимда ахборот технологияларининг қўлланиши ўқув жараёни самарадорлигининг ошиши, ёшлар томонидан танланган касбни эгаллашга қаратилган билим ва кўникмаларни кенгайтириш, чуқурлаштириш имконини беради.

**Мақсад ва вазифалар.** Электрон таълим, масофавий таълим, Широкое применение электронного обучения, дистанционного обучения, MS Office амалий дастурлар пакетидан ўринли фойдалана олиш, Интернет хизматлари ҳамда ресурсларидан тўғри фойдалана олиш билим ва кўникмалари танланган касбни мукаммал эгаллашларида яна бир омил бўлади.

**Қўлланган услублар.** Маълумки, ахборот технологиялари – бу, техник ва ижтимоий жараёнларни бошқариш, ривожлантиришга қаратилган ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тиклаш ва узатиш усуллари ва услублари мажмуидир. Улар таълим жараенида қўлланиладиган услублар орасида етакчи ўринни эгаллаган ҳолда, талабанинг тест синовини қабул қилиш жараёнида автомат контроллер; электрон дарслик сифатида вазиятли масалаларни тақдим этишда ва уларнинг ечиш усулларини тушунтиришда ўргатувчи ёки компьютер ўйинларини тақдим этишда айрим мантиқий ҳаракатларни амалга оширувчи сунъий интеллект тарзида тақдим этилиши мумкин.

**Қайд этилган натижалар.** Ахборот технологияларининголий тиббий таълимда қўлланиши самарадорликни 30% га оширишни қайд этилди, аниқ мисолларда кўрсатилса, тестларни ўрганишда 75-80% га, амалий кўникмаларни ўзлаштиришда виртуал дастурлар ва лабораториялар ҳисобига 25-30%га, талабанинг ўзи устида олиб борадиган мустақил таълим сифатини 38% га кўтарди.

**Таҳлил.** "Таълимнинг компьютер технологиялари" тушунчаси компьютер ёрдамида таълим олишни назарда тутади. Бироқ "Ахборот технологиялари" тушунчаси ундан кенг бўлган тушунча бўлиб, компьютер технологиялари уларнинг фақатгина маълум қисминигина

ташкил этади. Шунинг учун ҳам Олий таълим педагогик кадрларининг ахборот технологияларини мукаммал эгаллашлари ҳамда улардан таълим жараёнида тўғри фойдаланишлари талаб этилади.

**Хулоса.** Ахборот технологияларидан олий таълимда мақсадли фойдаланиш келажакда малакали кадрларни тарбиялашда ёш авлоднинг билим олиш ва тажриба алмашиш имкониятларини янада оширувчи омил ҳисобланади.

Абдукахарова М.Ф., Мустанов А.Ю., Тошбоев Б.Ю.

## ЭПИДЕМИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон*

Инновацион технологиялар инглизчадан "innovation" янгилик киритиш яъни педагогик жараёнда талаба ва ўқитувчи фаолиятининг фаоллаштирилиб, ўқув жараёнида интерактив усуллардан тўлиқ фойдаланишни ўз ичига олади. Инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим бериш талабаларни билимларни фаол ўзлаштиришга ўргатади. Ҳозирги пайтда, яъни илмий-техника революцияси даврига келиб, талаба ўзлаштириши зарур бўлган илмий ахборот ҳажмининг кескин ошиб кетиши инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим беришни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам интерактив усулларни, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига киритишга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Эпидемиология, ҳарбий эпидемиология фанини ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш орқали талабаларнинг фан бўйича эгаллашлари зарур бўлган билимларини ўзлари қидириб топишга ва мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда олинган маълумотлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатиб борилади. Бундай ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланланувчанликка имкон яратиш;
- талабанинг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
- талабани ҳар қандай муаммога ижодий ёндошувга ўргатиш;
- педагог ва талаба фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Эпидемиология, ҳарбий эпидемиология фанини ўқитишда педагогик инновацион технологияларни қўллаш, талаба ва ўқитувчи кафолатланган натижага эришиши учун талаба билан ўқитувчининг ҳамкорлигидаги фаолиятини ташкил этишдан иборат. Бу жараён ўқитиш ва унда интерактив воситалардан унумли фойдаланишни ўз ичига олади.

Ушбу жараёнда кафолатланган натижага эришиш, ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорлигидаги фаолияти, талабанинг ижодий ёндошиб, мустақил фикрлаши, изланиши, таҳлил қилиши ва хулосалар олиши,